



НАСРИДДИНХЎЖА ОБРАЗИНИНГ ТИПОЛОГИК ТАКОМИЛИ

МАДАЛИЕВ ЯРМУҲАММАТ

М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон Университети

Аннотация. Халқ оғзаки бадиий ижоди халқимизнинг дунёқарашини, ижтимоий-сиёсий ҳамда фалсафий-эстетик ғояларини, руҳиятини содда бир шаклда асрлар мобайнида сақлаб келаётган нодир манбадир. Хусусан, латифалар халқнинг мақсадини, орзусини, ҳаётдаги воқеаликни, қайғу ва ҳасрат, ранжу-севинчини ҳамда адолат учун курашини, кундалик ҳаётдаги турмуш тарзини кенг тарзда қамраб ололди. Нариддин Афанди латифалари асрлар оша бизгача етиб келган жанр табиатини, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳам амалий, ҳам тарбиявий аҳамиятини ёш авлод вақларида етказиш ҳамда очиб беришдан иборат.

Таянч сўз ва иборалар: халқ оғзаки ижоди, латифа, фольклор, ижтимоий, фалсафий-эстетик, маънавий қадрият, ахлоқий қарашлар, идрок.

Аннотация. Устное народное творчество – редкий источник, который просто и понятно веками сохранял мировоззрение, социально-политическое и философско-эстетические идеи, душу нашего народа. В частности, анекдоты широко охватывают все сферы быта, образ жизни людей, а также их цели, чаяния, мечты, печаль и радость, события, происходящие в повседневной жизни.

В данной статье исследуются анекдоты о Ходже Насретдине как жанр устного народного творчества. Анализируется многовековая природа анекдотов, их место в общественной жизни, а также роль в воспитании подрастающего поколения.

Опорные слова и выражения: фольклор, народное творчество, анекдоты, народная мудрость, социальная, философско-эстетическая, духовные ценности, нравственные взгляды, ценности.

Abstract. Folklore is a rare source that for centuries has preserved the worldview, consciousness, socio-political and philosophical-aesthetic views of our people in a simple and understandable form. In particular, anecdotes cover a person's goals, dreams, life events, sorrows and joys, ordinary people's struggles for justice, and daily life. Nasreddin Efendi's anecdotes are aimed at conveying and revealing to the younger generation the essence of the genre that has developed over the centuries before us and their role in social, practical life.

Keywords and expressions: folklore, social, anecdote, philosophical and aesthetic, spatial values, moral views, perception.

Халқ оғзаки ижоди намуналари маънавий қадриятлар тизимининг асосларидан бўлиб, халқимизнинг узоқ асрлик ўтмиш тарихи, яшаш тарзи, урф-одатлари, ахлоқий қарашлари, тафаккури, оламни бадиий-эстетик идрок этишининг ўзига хос шакли сифатида беқиёс қадр-қимматга эга. Фольклор асарлари мағзидаги ҳикмат ҳар бир даврда янгидан англанади, замон талабларига мос талқин топади, халқнинг маънан бойишига хизмат қилади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар. Хўжа Насриддиннинг баъзи латифаларидаги каби халқ ҳажвиясининг айрим намуналарида ҳам замон ва макон уйғунлигининг бузилиш ҳолатини учратиш мумкин. Лекин уларда ҳам макон ва замоннинг муайян бирлигини кўрса бўлади. Чунки бундай латифаларнинг ўзида биз уни яратган одамлар яшаган давр ва жамиятга доир бирор мақсад мавжудлигини кўраемиз. Бундай ҳажвия хоҳ Аристафаннинг комедиялари сингари ёзма тарзда, хоҳ Хўжа Насриддиннинг латифалари сингари оғзаки шаклда бўлсин, уни яратган жамият аҳволини акс эттирувчи, ўша даврни тасвирловчи энг яхши асарлардир. Қозоқ халқ адабиётидаги Насриддинхўжа номи билан аталадиган латифалар сонини тахминан айтадиган бўлсак, уларнинг сони мингдан ҳам ошиб кетади.



Насриддинхўжа ҳикояларининг маъноси ва мавзусига қараб тўплаб, типологик нуқтаи назардан бир неча тадқиқот ишларини олиб бориш имкони бўлади:

-биринчидан, Насриддинхўжанинг туғилиб-ўсган жойи, унинг ёшлик даври, инсон ҳаётига боғлиқ ижтимоий муҳитга муносиб айтиладиган Насриддинхўжа ҳикоялари;

-иккинчидан, бойлик ва камбағаллик, очлик ва тўқлик, бағри кенглик ва торлик тўғрисида айтилган латифалар;

-учинчидан, ёлғон айтиб, алдаб яшагиси келадиган фирибгарлар билан ўғрилар, қароқчилар, қув, айёр ҳақидаги латифалар;

-тўртинчидан, бой, хон, подшоҳ, беклар каби юрт бошчиларига боғлиқ ва баъзида халқни алдайдиган фолбин, эшонларни кулги, масхара қиладиган, адабий ҳаёт ва ўлим тўғрисидаги латифалар;

-бешинчидан, ўз ўрнида айтилган ўткирсўз, сўздан мураккаб нақш ясайдиган чечанлик фикр-хулосани ташвиқ қилувчи, топишмоқ формасида айтиладиган сўзларга дарҳол қайтарилган топқир сўз эгаси доно, билимдон Насриддинхўжа номи билан айтиладиган латифалар.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. ЛАТИФА - Арабча «латиф» ва «лутф» сўзлари негазида пайдо бўлган «латифа» атамаси (мутойиба, ҳазил) — халқ ҳажвиёти жанрларидан, танқидий мазмундаги қисқа юмористик ҳикоя. Ўзбек фольклорида юмор ва сатирага асосланган машхур, оммавий жанрни англатади. Уларда сўзлар ўйини, киноя асосий ўринни эгаллайди. Латифада бирор воқеа ҳикоя қилингани учун у эпик жанрга мансубдир. Ҳар бир халқда ўз латифасининг қаҳрамони бор. Масалан, русларда Иван Дурак, қозоқларда Алдар Кўса, қорақалпоқларда Ўмирбек лаққи, туркманларда Камина каби. Ўзбекларда эса Насриддин афанди латифаларининг қаҳрамонидир. Афанди сўзи аслида юнонча «афендус»дан олинган бўлиб, жаноб маъносини билдиради. Кўп ҳолларда латифаларда бевосита афанди номи кенг ишлатилади. Насриддинни тарихий шахс сифатида қайд қилувчи манбалар ҳам мавжуд. Қадимдан Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган. Латифалар қаҳрамони жонли ва таъсирчан сўзлайдиган, ҳазил мутойибага бой, ҳақиқат ва адолатни ҳимоя қилувчи ҳозиржавоб шахс. Латифа сюжетини қочирик, кесатик, пичинг тўла ҳажвий эпизод ва ҳолатлар ташкил этади. Саргузашт характеридаги сюжет содда ва лўнда ифода этилади. Латифанинг илк намуналари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Саъдийнинг «Ғулистон» асарларида учрайди. Латифа жанри XI асрдан сўнг кенг шаклланди ва ривож топди. Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Ҳамса» ва бошқа асарларда халқ орасида маълум ва машхур бўлган латифалардан фойдаланилган. Латифа қаҳрамони ўзбекларда Афанди, тожикларда Мушфиқий, туркманларда Мирали номи билан юритилади. Ўзбек халқ латифаларини дастлаб Шариф Ризо тўплаб, нашр эттирган (1941).

Насриддинхўжа ҳикоялари типологик йўл билан тадқиқот қилинса, унинг портрети ва адабий образи ҳар томонлама очилади. Ҳам туркий халқларнинг Насриддинхўжасининг туркийлик қиёфаси тўлиғича ажралиб чиққан булур эди. Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг Марказий Фанлар кутубхонаси қўлёзма ва нодир китоблар заҳирасида 923-папкада сақланган араб ҳарфида ёзилган қўлёзма ҳам мазкур мавзуга тегишли.

Филология фанлари номзоди Балтабай Адамбоевнинг «Тарихи афсонавий ҳикоялари» (479-128) илмий ишида қозоқ халқининг Насриддинхўжаси тўғрисида айтилган бир неча фикрлар бор. Насриддинхўжа ҳикоялари асосан қозоқ (1. 11102), ўзбек (5), туркман (6), уйғур (8), ва бошқа халқлар тилларида нашрдан жуда кўп марта чиққан. Насриддинхўжа ҳикоялари форсий, хитой, тожик, араб тилларига ҳам кўчган. Насриддинхўжа қайси халқда бўлмасин



она тилида айтилиб, ўзининг асари сифатида сингиб кетган афсонаси, ҳикояси, ҳангомаси, ҳазили, кулгиси ҳисобланади.

Насриддинхўжанинг ҳаётда аралашмаган соҳаси кам. Оддий инсоннинг шахсий ҳаётида, оиласида бўладиган майда-чуйда ишлардан тортиб, уруғ оқсоқоли, бой, улис, билар ва хонлар бошқараётган мамлакатнинг давлат ишларига, сиёсий ижтимоий масалаларигача аралашиб ўтирган сўзлари, латифалари фактли материал асосида тўпланди. Насриддинхўжа, Алаша хон, Жонибек хон, Амир Темур билан ҳам бирга юриб, сирдош бўлиб, борди-келди қилишади. Масалан, «Хожа ва хон», «Хўжа ва бий», «Алдар кўса ва Алаша хон» номли афсонавий ҳикояларни бунга мисол қилиб кўрсата оламиз.

Насриддинхўжа ким? У тўғрисида асрдан-асрга улашиб, оғзаки ёки ёзма шаклда келаётган латифаларни мавзусига кўра тўплаб, жанр хусусиятлари ва Насриддинхўжанинг миллий ва байналмилал образи тўғрисидаги масалани ўрганиш монографик изланишларни, диссертациялар ҳимоясини амалга ошириш фольклоршуносликдаги муваффақиятлар сирасига киради.

Насриддинхўжа Сирдарё ёқасида яшаган Турк – Сир уруғидан чиққан деган афсоналар ҳам учрайди. Унинг маййити қўйилган жойга гумбаз ҳам ўрнатилган. Насриддинхўжа маййити устига ўрнатилган гумбазнинг ўзи ҳам кулгили. Қозоқ халқ оғзаки ижодиётида Насриддинхўжа ҳикоялари фақат қора сўз шаклида эмас, шеър билан айтиладиган поэзия сифатида ҳам учрайди. Насриддинхўжа тўғрисида қисса шаклида айтиладиган парчани мисолга келтирамиз:

Қатор-тенгдош мени тинглангиз,

Бу сўзимни эгасиз қилиб қўймангиз.

Ҳаётнинг жуда ажойиб вақтида,

Беҳабар бўлиб ҳеч нарсадан қолмангиз.

Сўз суйладим сизлар учун, мазза қилдим,

Кўнглингизни кўтармоқга ҳаракат қилдим.

Кўп эмас, оз-мозини мен айтайин

Бўлиб ўтган Насриддинхўжа ҳангомасин.

Шунингдек, ўзбек фольклорида афанди образининг берилиши, ундаги ҳозиржавоблик, муаммодан осонгина чиқиб кетиш ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Қўйидаги мисолга эътиборни қаратсак: *Эшакни яширсанг, ҳанграши ошкора қилади*. Бир одам Афандидан: “*Эшагингизни пешингача бериб турунг, бир оз юким бор эди, ташиб олай*”, – деб илтимос қилиб келибди. “*Эшагим йўқ, сизга ўхшаб сўраб келган бир одамга бериб юбуровдим*”, – дебди Афанди. Шу пайт ичкаридан эшак ҳанграб юборибди. “*Ие, эшагингиз бор экан-ку, Афандим*”, – дебди ҳалиги одам. “*Нима оппоқ соқолим билан манинг гапимга ишонмайсиз-у, эшакнинг гапига ишонасизми?!*” – деб жаҳл қилибди Афанди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Насриддинхўжа қозоқ халқ адабиётининг ўз қаҳрамони, у тўғрисида айтиладиган ҳикоялар халқ асарлари Насриддинхўжанинг ота-онаси бор, ака ва сингиллари билан бирга улғайган, қариндошлари кўп. Ҳатто унинг бугун ҳам орамизда ҳаёт кечиб юрганга ўхшайдигани шунинг учун бўлса керак.

Латифа халқнинг мақсадини, манфаатини, орзу ва армонини, ҳаётдаги ҳақиқий борлиқни, ноласи ва қувончини, қайғу ҳасратини, ғам ва хоҳишини адолат йўлидаги курашининг кундалик турмуш тарзини яхлит ва батамом қамраб олади. Латифани айтишдаги чечанлик, топағонлик тизимларига қараб, ана шу ҳикояларни ўзи ўйлаб топиб айтадиган муҳитнинг талантини, маҳоратини билишга, фаҳмли, мулоҳазали баҳолашга қаратилган бўлади.



Халқ ҳажвиётининг муҳим хусусияти шундаки, у яшаш учун курашда мазлум кишиларнинг устунликка эришиш йўлида фойдаланадиган куралидир. Жамиятдаги ҳоким синфлар устунликни моддий жиҳатдан қўлга киритганлар. Эзилувчилар эса ҳоким синфга қарши курашиш учун ҳажвдан кураол сифатида фойдаланадилар. Бундай ҳажвия сиёсий ва ижтимоий нуқтаи назардан кучсизларнинг кучлиларга қарши ишлатувчи куралидир.

Тадқиқотда шунга амин бўлдики, қозоқ халқ ижодиётидаги Насриддинхўжанинг ҳикоялари назарга илинмай келаётган мерос эмас эканлиги аксинча, Насриддинхўжа ҳикоялари халқининг оғзида, тилида, олимлар ва бадиий санъат эгаларининг назарида бўлиб, асрлар бўйи айтилиб, тўпланиб, нашрдан чиқиб келаётган халқнинг туганмас маънавий меросидир.

Қозоқ халқининг афсона-ҳикоялари, уларнинг орасида кўп таралган Жайрончи, Алдар кўса, Насриддинхўжа, Аёз би, Асан қайғу ва бошқа ҳар қадамда айтилиб юрган кулгили, ҳазил, иронияли, бир қўрқоқ бойлар бугунги фан ютуқлари нуқтаи назардан халқимизнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибасини ўрганишда катта аҳамиятга эга.



MODERNIZATION OF TURKISH LITERATURE

FIKRI AYDEMİR

docent of Giresun University



Abstract. Modernism can be regarded as a movement of thought that has emerged in Europe since the mid-seventeenth century and influenced the entire world. Modernism, which is based on the idea of enlightenment, has become the opposite of the traditional in every field with the Industrial revolution. Modernism, which affects all areas of society, also causes changes in the field of art and literature. Ottoman society, art and literature were not unfamiliar to this trend, which developed especially under the leadership of European thought and art. After the French Revolution, thoughts affecting the whole world raise Europe as a center. All the world's attention and face turns there. The interest of Ottoman society develops in the same direction. But in the first place, the attention of the Ottoman is for military area. Lost wars and lands, the future of the army, which has lost its former glory and power, is in the West. So the first transformation moves begin on the army. After that, change will begin in other social areas. However, it has been discussed for a long time how these developments and changes will be; in which direction they will affect society and art. The modernization of the Ottoman Empire has taken the road with the dream of capturing the west, reaching that level and living like the west. With the publication of the Tanzimat Fermanı (1839), modernization appears to have exceeded an important threshold. The expression of equality of all citizens in the edict has in some sense been the most modernist breakthrough. Therefore, despite the existence of various changes before it, the proclamation of the Tanzimat edict is considered the beginning of modernism.

Keywords and expressions: Modernisation, Turkish Literature, Ottoman Literature, Tanzimat Period.

Аннотация. Модернизмга Европада XVII аср ўрталарида пайдо бўлган ва бутун дунёга таъсир этган фикрлар оқими сифатида қараши мумкин. Маърифатчилик гоясига боғлиқ бўлган модернизм индустриал инқилоб билан биргаликда ҳар бир соҳада анъанавий ҳаётга қарши гояга айланди. Жамиятнинг ҳар бир соҳасига таъсир кўрсатган модернизм санъат ва адабиёт соҳасидаги ўзгаришларни ҳам келтириб чиқаради. Айниқса, Европанинг фикр ва санъати раҳнамолигида ривожланган ушбу оқимдан Усмонли жамияти, санъати ва адабиёти, бебаҳра қолмади. Буюк француз